

БАШҚА АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимида утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 32 (1107), 2017 йил 10 август

Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш – халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган йирик ва муҳим аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва йил якуни бўйича қўйилган натижалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Андижон вилояти ва пойтахтимизнинг Чилонзор туманига ташрифлари чоғида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Видеоконференция алоқаси орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўржиги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари, корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар ва инвесторлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб боришини таъминлаш, юқори қўшимча қийматли, чуқур қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги замонавий корхоналарни ишга тушириш – мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, аввало, аҳоли ҳаёти ва фаровонлиги даражасини янада оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Овердрафт кредити бериш йўлга қўйилди

Тижорат банкларида жисмоний шахсларга пластик карточка орқали овердрафт кредити бериш тартиби йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки овердрафт кредитига банк пластик карточкаси сақловчисига товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловларни амалга оширишда банк пластик карточкаси ҳисобварағидаги қолдиқ маблағидан ортқ миқдордаги маблағни ишлатиш ҳуқуқини берувчи кредитлашнинг қисқа муддатли шакли, деб таъриф берди.

Овердрафт кредити тижорат банки томонидан иш ҳақи, шунингдек, пенсия тўловлари ҳисоб-китоби учун эмиссия қилинган банк пластик карточкаси орқали мижоз ва банк ўртасида тузилган шартнома асосида берилди.

Кредитнинг бу туридан фойдаланиш учун мижоз банкка ариза билан бирга паспорт нусхаси, даромади тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

(Давоми 6-бетда).

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллигига

ТИФ Миллий банки: мамлакат ривожига улкан ҳисса қўшиб

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилганлигининг 26 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда банкнинг мутасадди ходимлари ҳамда мижозлари иштирок этди.



Маълумки, мазкур муассаса мамлакатимиз Биринчи Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида мустақил сиёсатни юритиш, ташқи иқтисодий фаолият бўйича хизмат кўрсатилишини таъминлаш ва унинг самарадорлигини оши-

риш, республиканинг валюта ресурсларини тўплаш ҳамда ундан мақсадли ва самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, у шу тарихқа юртимизнинг халқаро молия ҳамжамиятига қўшилиб боришига фаол кўмаклашиб келмоқда.

Банк 1992 йилда жаҳондаги 83 та энг йирик молия муассасаси билан вакиллик муносабатларини ўрнатган бўлса,

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, улар сонини қарийб 700 тага етказди (80 дан зиёд давлатга мансуб). Ўз навбатида, ТИФ Миллий банки ҳамкорлари географияси ҳам анчайин кенгаймоқда. Бу айни пайтда Ғарбий ва Шарқий Европа, Америка, Осиё, Яқин Шарқ, МДҲ ва Африка мамлакатлари ҳамда Австралияни ўз ичига олади.

(Давоми 4-бетда).

Саидкамол Ходжаев бошқа ишга ўтди

Мамлакатимиз раҳбарининг Фармони мувофиқ Саидкамол Саидкаримович Ходжаев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари лавозимидан озод этилди.

У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 августдаги қарори билан «Агробанк» АТБ бошқаруви раиси этиб тайинланди.

С.Ходжаев профессионал банк ходими. 2016 йилда Марказий банкка келгунга қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБни бошқарган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АТБ ТОМОНИДАН ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР САЛМОҒИ

ЛОЙИҲАЛАР 600 та

АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР 147,6 млрд. сўм

ЯРАТИЛГАН ИШ ЎРНИ 3 284 та

(Батафсил 6-бетда ўқинг).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 8 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:*)

1 Австралия доллари	3277,64	1 Канада доллари	3266,67	1 Норвегия кронаси	520,47	1 евро	4879,06
1 Англия фунт стерлинги	5385,85	1 Хитой юани	613,83	1 Польша злотийси	1147,29	10 Жанубий Корея вони	36,62
1 Дания кронаси	654,56	1 Кувайт динари	13686,87	1 Сингапур доллари	3033,04	10 Япония иенаси	372,76
1 БАА дирҳами	1123,46	1 Россия рубли	68,40	1 СДР	5834,48	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	4126,45	1 Украина гривнаси	159,67	1 Туркия лираси	1170,16		
1 Миср фунти	232,48	100 Ливан фунти	274,06	1 Швеция кронаси	507,50		
1 Исландия кронаси	39,37	1 Малайзия ринггити	964,35	1 Швейцария франки	4247,95		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 4126,45 – (4098,37) | 1 EUR ▲ 4879,06 – (4792,82) | 1 GBP ▲ 5385,85 – (5381,17) | 10 JPY ▲ 372,76 – (370,69)

Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш – халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташкил этилгани иқтисодиётимизга инвестиция жалб этиш масаласи нечоғли муҳим стратегик вазифалардан бири эканини яққол намоён этди. Йиғилишда ушбу Агентлик фаолиятини оқилона ташкил қилиш, аввало, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга, барча жараёнларнинг очiq бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

2017 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилда 552 лойиҳа доирасида 7,2 млрд. АҚШ долларини ўзлаштириш ва 67 йирик лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Жумладан, 2017 йилнинг ўзида умумий қиймати 2,4 млрд. долларга тенг 170 лойиҳа, жумладан, 16 йирик лойиҳа ижроси якунига етказилди.

Фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш натижасида ўтган 7 ойда 32 лойиҳа ижроси якунланди, йил охиригача яна 138 лойиҳани амалга ошириб, объектларни ишга тушириш юзасидан барча зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат миқёсида ва жойларда айрим раҳбарлар инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш ва уларни кафолатланган молиявий манбалар билан таъминлашга юзак, масъулиятсизлик билан ёндашаётганига эътибор қаратди.

Ўтган 7 ой мобайнида 27 лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш режа-

дан ортада қолаётгани, 8 лойиҳа бўйича ҳужжатлар ҳалигача тасдиқланмагани каби танқидий мисоллар келтирилди.

Шу муносабат билан тармоқлар раҳбарлари ва лойиҳалар ташаббускорлари зиммасига мавжуд муаммоларни тезлик билан ҳал қилиш, сусткашлик ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзага келаётган асосий камчиликларга тегишли ҳужжатлар пухта ишлаб чиқилмагани, кўплаб раҳбарлар тегишли тармоқлар ва соҳалар келажаги тўғрисида муайян тасаввурга эга эмаслиги, яъни ўзи бошқараётган соҳанинг бир неча йилдан кейинги ривожланиш истиқболи ҳақида аниқ ҳисоб-китоб юритмаётгани сабаб бўлаётганини қайд этди.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳудудий ҳокимликлар раҳбарларига инвестиция лойиҳаларни ижроси устидан ҳафталик назоратни янада кучайтириш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва камчиликка йўл қўйган масъул шахслар фаолиятини баҳолаш юзасидан кўрилаётган аниқ чоралар тўғрисида ҳар ой якунида ҳисобот бериб бориш вазифаси топширилди.

Яна бир муаммо шундан иборатки, инвестиция лойиҳалари бўйича объектлар ишга тушгани ҳақида тегишли ҳужжат қабул қилингандан сўнг янги қувватлар қай даражада ишлаётганини таҳлил қилиш тизими мавжуд эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари Иқтисодиёт вазирлигига

тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишга туширилган янги объектлар фаолиятини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш вазифасини юкледи.

Йиғилишда Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлигига йирик ҳўжалик бирлашмалари ва ҳудудий ҳокимликлар билан бирга 2018 йилги Инвестиция дастурини шакллантиришда фақат лойиҳалаштириш ҳўжатлари тайёр бўлган ва қиймати камида 5 млн. долларга тенг лойиҳаларни киритиш, сармоядорларнинг дастурга лойиҳа киритишини рағбатлантириш учун уларга солиқ ҳўкимёллари ва бошқа преференциялар бериш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бунда келаси йил учун Инвестиция дастурига фақат пухта ишлаб чиқилган, лойиҳа-смета ҳўжатлари тайёр ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестиция лойиҳаларини киритишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбариятига хорижий ҳамкорлар билан тенг шериклик ва ўзаро манфаатдорлик таъминловчи асосида ишлаш учун аниқ йўналишларни белгилаш, шунингдек, импорт шартномаларини тизимли равишда ва ўз вақтида кўриб чиқиб, хулоса бериш юзасидан алоҳида тартиб-қоидалар ишлаб чиқишни тезлаштириш вазифаси топширилди.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш

учун тузилган қатор ҳўкуматлараро комиссиялар фаолиятини яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ҳамда 12 апрель куни Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманига ташрифлари натижасига биноан расмийлаштирилган баённомалар ва қабул қилинган дастурларда белгиланган топшириқлар ижросининг бориши ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида мазкур баён ва дастурларни амалга оширишнинг жорий ҳўлатини босқичма-босқич кўриб чиқиб, ижрочилар ҳисоботини тинглаш ва баҳолаш бўйича янги назорат тизими жорий этилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларига Андижон вилояти ва Чилонзор туманини, умуман, барча ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тизимли равишда ўрганиб, бирорта ҳам муаммоли масала қолдирмаслик юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари ва таклифлари тинганиб, муҳокама этилди ҳамда инвестиция лойиҳаларни ижросини жадаллаштириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

«SMS-хабарнома» хизмати билан барчаси осон

Замонавий технологиялардан самарали фойдаланиб, мижозлар учун янги-янги хизмат турларини яратиш Акциядорлик тижорат Халқ банкининг муҳим вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Банк томонидан мижозлар эътиборига ҳавола қилинган навбатдаги янги хизмат – жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчиларига мўлжалланган «SMS-хабарнома» бўлиб, у мижознинг мобиль алоқа воситалари орқали исталган вақтда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамидagi маблағлар қолдиғи тўғрисида маълумот берувчи дастурий тизим ҳисобланади.

«SMS-хабарнома» хизматига улашиш учун жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этаётган фуқаролар асосий иш жойи солиқ рўйхатига олинган ҳудуддаги Халқ банки филиалига мурожаат қилишлари лозим. Ихтиёрийлик асосида иштирок этаётган фуқаролар эса доимий яшаш



жойидаги Халқ банкининг филиалида рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Мижоз Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига уланган кундан бошлаб, «SMS-хабарнома» хабарларини ўз мобиль алоқа воситаси орқали олади.

Бугунги кунда ушбу интерактив хизматдан 500 мингдан ортиқ фуқаро фойдаланиб келмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун шароитлар кенгаймоқда

«Асака» акциядорлик-тижорат банки томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар миқдори 1,9 млн. донадан ошди.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2751-сонли Қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган фаол ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2017 йил 1 июль ҳолатига кўра, муассасада 1 921 371 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 143 909 донга кўпайди, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари ҳамда банк шохобчаларига 11 611 дона терминал ўрнатилди.

Ўз навбатида, пластик карточкалар эмиссиясидаги ўсиш ва улар асосида хизмат кўрсатишни юқори даражада ташкил қилиш мақсадида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу восита орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида пластик карточкалар орқали ўтказилган транзакциялар миқдори 1 133,5 млрд. сўмни, шундан савдо айланмалари ҳажми 928,3 млрд. сўмни ташкил қилди.

«Асака» банкда корхона ва ташкилотлар ишчи ходимлари учун «иш ҳақи» лойиҳаларини жорий этиш давом эттирилмоқда. Ҳисобот даврида муассаса томонидан ушбу йўналишда 12 474 та корхона ва ташкилот билан ўзаро шартнома тузилди.

Пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида кўшимча инфокиосклар харид қилиниб, ўрнатилди. Ҳозирда банк томонидан ўрнатилган 66 дона инфокиоск ва 27 дона банкомат орқали тезкор хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Ўтган даврда банк пластик карточкалари асосида ушбу қирилмалар орқали амалга оширилган коммунал тўловлар ҳажми 60,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

«Туронбанк»: аёллар тадбиркорлиги ривож учун сармоялар

Мамлакатимизда банк соҳасини такомиллаштириш, молия муассасаларининг мижозлар билан ишлаш жараёнларини янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган изчил ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Бундай ижобий ўзгаришларни «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётди.

«Туронбанк» АТБ молиявий кўмаги билан мамлакатимизнинг олис ва чекка туманларида ҳам аёлларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун қўлай муҳит ва кенг имкониятлар яратилмоқда. 2017 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 32,8 млрд. сўм миқдоридан кредит ажратилди. Ишбилармон аёллар томонидан ушбу маблағлар замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга йўналтирилди. Мўл ҳосил этиштириб, аҳолини арзон, энг муҳими, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган фермер аёллар сафи йил сайин кўпайиб бормоқда.

Жумладан, Олот, Ғиждувон туманлари ва Бухоро шаҳарларида тадбиркор аёллар томонидан гўзаллик салоҳи ва сартарошхоналар ташкил этилди. Айниқса, Бухоро шаҳрида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш юзасидан бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши, вилоят Фермерлар кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда тадбиркор ва фермер хотин-қизлар иштирок этди.

– Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ЎзЛиДеПнинг дастурий мақсадларидан бири, – дейди партия вилоят кенгаши бўлими мудири Робия Солиҳова. – Бугунги кунда вилоятимизда 12 500 дан ортиқ, жумладан, 5 305 хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Тадбиркор аёлларнинг 2 904 нафа-

– Ҳар бир аёл хонадонни файзли, турмуши фаровон, оиласи мустаҳкам бўлишини истайди. Мен «Туронбанк» кредити асосида корхонамизга тегишли бўлган меҳмонхонани замон талабларига жавоб берадиган даражада қайта таъмирладим ва тадбиркорликни йўлга қўйиб, уни ривожлантиришга эришдим, – дейди «Ma'rif qurilish» МЧЖ раҳбари Нормангул Собирова. – Банк томонидан ажратилган молиявий кўмак эвазига маҳалланинг ишбилармон аёлларини муҳим иш билан таъминлади. Бунинг асосий омили ҳалол меҳнатдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аёлларни иш билан таъминлаш, ўз олдларига қўйган мақсад ва интилишларини рўйбга чиқариш, ижтимоий-сиёсий фаоллик ҳамда билим ва кўникмаларини янада ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Оилавий тадбиркорлик, миллий хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида жойларда, ташкилот ва корхоналарда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Аҳолининг, биринчи навбатда, ўрта маҳсул касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлашда нафақат тегишли ташкилотлар, балки молия муассасаларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида

Мамлакатимизда ўтган даврда мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича тизимли ишлар олиб борилиб, 30 мингдан ортиқ давлат объекти, шу жумладан, 6,5 мингта йирик ва ўрта корхона хусусий мулк қилиб сотилди.


Бунда, албатта, ҳудудлар саноати салоҳиятини ривожлантириш, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиб, уларнинг экспорт имкониятларини ошириш мақсади илгари сурилган эди.

Муаммо негизини ўрганиш ва бартараф этиш, бунда корхоналар фаолиятини тиклашга тўсқинлик қилаётган масалалар ечимини ҳал этиш-

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш бош бошқармаси бошлиғи Санжар Абдуқодиров. – Хусусан, шу кунга қадар хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва молиявий-иқтисодий аҳволи ўрганилмаган, таҳлил этилмаган. Зарур ҳолларда уларнинг моддий ва маънавий ҳолатига амалий ёрдам кўрсатилмаган. Юзага келган ҳолат ваколатли орган-

5016-сонли Фармонда бу борада аниқ вазифалар белгиланиб, унда янги ташкил қилинган кўмитанинг ваколатли давлат органлари, молия ҳамда бошқа бозор тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи кўрсатиб берилган.

Бугунги кунда кўмита томонидан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш ва улар фаолиятини тиклаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, турли касб-хунар коллежлари базасида хусусийлаштирилган корхоналар раҳбарлари ва ишлаб чиқариш-техник ходимлари учун бизнес-режалар ту-



нинг янги механизми ишлаб чиқилиб, бу борадаги дастлабки иш давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси (Давлат рақобат кўмитаси) этиб қайта ташкил этишидан бошланди.

Айни дамда янгидан иш бошлаган кўмита ўз номига кўра, хусусий корхоналар билан ишлаш самарадорлигини оширишда комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

– Аввало, айтиш жоиз, хусусийлаштирилган корхоналарнинг бундай ҳолатга юз тугиши қатор омилларни ўз ичига олади, – дейди кўмитанинг

ларнинг хусусийлаштирилган корхоналарга ёндашувлари, улар билан ишлаш принциплари ва усулларини тубдан ўзгартириш, фаолият самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишлаб чиқаришни тиклаш ва ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятининг асосларини ўргатиш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбаларини кенгайтиришни талаб этмоқда.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 18 апрелида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги

зиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, меънамент, молия бошқаруви масалалари ҳамда бошқа фанлар бўйича ўқув курслари ташкил этилмоқда. Июнь-июль ойлари давомида бепул тарзда ташкил этилган 72 та ўқув машғулотидан 1100 дан ортиқ тадбиркорлар ва мулкдорлар ўқишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, айни пайтда ҳудудларда тузилган Идораларо комиссиялар томонидан бўш турган объектларнинг мулкдорлари билан бирга 2017-2018 йилларга мўлжалланган 2,5 мингта янги лойиҳа шакллантирилди.

Худудий Идораларо комиссиялар ва Давлат рақобат кўмитаси томонидан ҳар бир лойиҳани амалга ошириш ҳолати алоҳида назоратга олинган.

(Давоми 8-бетда).

Тадбиркор хотин-қизлар танлови

Бухорода «Ишбилармон аёл – 2017» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

ри партиямиз аъзоси. Жорий йилнинг биринчи ярмида 289 аёлга ўз бизнесини ривожлантириши учун тижорат банклари томонидан 10 млрд. 678 млн. сўм миқдоридан кредит маблағи ажратилди. Бунинг самарасида 202 янги иш ўрни яратилди.

Танлов доирасида иштирокчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойиши ва бир қатор лойиҳалар тақдими ўтказилди.

«Замонавий тадбиркор аёл портрети» номинациясида Бухоро шаҳридаги «Биллур Тош Файз» оилавий корхонаси раҳбари Н.Сафарова,

«Йилнинг муруватли ишбилармон аёли» йўналишида Шофиркон туманидаги «Favorite study servis» ўқув маркази директори Ф.Бурҳоновна, «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантираётган фермер аёл» номинациясида Жондор туманидаги «Жаҳонгир-Мухриддин» фермер хўжалиги раҳбари Н.Ражабова, «Ташаббускор аёл» йўналишида Бухоро шаҳридаги «Люкс Бухаралайн» корхонаси раҳбари У.Исмоилова, «Битирувчи қизларга энг кўп иш ўрни яратган ишбилармон аёл» йўналишида Бухоро шаҳридаги «Севинч текс сер-

вис» корхонаси раҳбари Л.Равшанова биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

Партия вилоят кенгаши, Марказий банк вилоят бош бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилга» лойиҳаси бўйича ҳам вилоят танлови ўтказилди.

Танлов доирасида тижорат банклари томонидан тақлиф этилаётган банк хизматлари ва тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Ўз бизнес лойиҳаси тақдимотини ўтказган аёллар ўртасида ғолиблар аниқланиб, тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди.

Ў.А.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган давр мобайнида муассаса мамлакатимизнинг энг йирик кредит ташкилотларидан бири сифатида Ўзбекистонни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, халқаро молия бозоридаги иштирокини кенгайтириш учун янгича ёндашув ва тамойиллар билан молия бозорида фаол иштирок этиб, тизимнинг энг муҳим йўналиши бўлган кредитлаш соҳасида иқтисодийнинг муҳим тармоқларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, юқори самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш чоратadbirlарини молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар бериш, маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга жиддий эътибор қаратди.

Йирик инвестициявий муассаса сифатида эса, банк нефть-газ, ёқил-энергетика, энгил sanoat, машина-созлик, алоқа, транспорт ва логистика, агросаноат, ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, ҳудудлардаги инфратузилмавий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида тегишли корхона ва ташкилотларга молиявий мадад бўлди.

Чакана банк бизнесини модернизациялашда ҳам ўтган йиллар ушбу банк учун сермахсул кечди. Бу йўналишда муассаса янги, жозибадор хизматларни жорий қилиш билан бирга ўзининг минтақавий бўлим, филиал ва куйи

ТИФ Миллий банки: мамлакат ривожига улкан ҳисса қўшиб



хизмат кўрсатиш тузилмалари имкониятларини бугунги кун талабларига мувофиқлаштириш тадбирларини олиб борди.

– Албатта, ҳам интеллектуал, ҳам молиявий жиҳатдан кучли бўлишни тақозо этувчи шулар сингари стратегик амалларни банк тизимли равишда бажариб, салмоқли натижаларга эришиш йўлида ўз ресурсларини шакллантириш, бунда хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳамда ходимлар маънасини оширишга алоҳида урғу берди, – дейди **Банкни стратегик ривожлантириш департаменти бошқарма бошлиғи Фаррух Абдурахмонов**. –

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра, хорижий давлатлар банк-молия ташкилотларининг кредит линияларини жалб қилиш борасида Хитой Давлат тараққиёт банки, Жанубий Корея Эксимбанки, Япониянинг «Сумитома Митсуи бэнкинг» корпорацияси, Германиянинг «Коммерцбанк» ва «Ландесбанк», Туркия Республикасининг «Актифбанк» ва Эксимбанки, Россиянинг «Газпромбанк» ҳамда Осиё тараққиёт банки каби дунё молия бозорида етакчилик қилаётган институтлар билан самарали алоқаларни йўлга қўйиб, уларнинг 4,8 млрд. АҚШ доллариллик сармояла-

рини республикамиздаги истиқболли лойиҳаларга жалб қилишга муваффақ бўлди. Миллий иқтисодий тизимни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш учун 1,6 трлн. сўмлик сармоялар ажратилди. Чакана хизматлар бозорида етакчилик мавқеини сақлаб қолиш борасида ҳам изчил изланишларни давом эттирган ҳолда жозибадор омонатлар жорий қилинди, пластик карталар муомаласи кенгайтирилиб, улар асосида хизмат кўрсатишни юксалтириш мақсадида терминаллар инфратузилмаси ривожлантирилди, масофавий хизматларнинг янги турлари ишга туширилди.

Таъкидлаш жоиз, тизимда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар ТИФ Миллий банкининг асосий молиявий кўрсаткичларига ажойиб таъсир кўрсатмоқда. Чунончи, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк активлари 26,9 трлн. сўмни, жамланма капитали (субординар қарзларни ҳисобга олган ҳолда) 3,2 трлн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, ушбу даврда кредит портфели 17,7 трлн. сўмга, депозит портфели эса 14,0 трлн. сўмга етди.

Анжуманда ТИФ Миллий банки бундан кейин ҳам ўзининг илгор позицияси билан мамлакатимизни яқин беш йилда ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида фаол қатнашиши, бу борада муассаса ўз олдига аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олганлиги таъкидланди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Иқтисодий ислохотлар изчиллигини таъминлашнинг зарурий шарти



«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Республика маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда маънавий тадбир ўтказилди.

Учрашувда «Ипотека-банк» АТИБ Бош офиси таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда филиал бошқарувчилари иштирок этди.

Банк ходимининг касб одоб-ахлоқи кодексига риоя қилишни таъминлаш, жиноятчилик ҳолатлари юзага келиши, шу жумладан, коррупциянинг олдини олиш ва шу аснода жамоада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш мақсадида

ташкил этилган учрашувда дастлаб «Ипотека-банк» АТИБ бошқаруви раиси ўринбосари Жаҳонгир Фаязов сўз олиб, банкнинг Бош офиси ва филиалларидаги таркибий бўлинмалар фаолиятини баҳолаб экан, ходимларнинг кийиниш одоби ва муомала маданияти талабларига қатъий риоя этишига ҳамда улар онҳида бўшлиқ ҳосил бўлиши, хусусан, коррупция, тама-



гирлик, порахўрлик, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чоратadbirlарни кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўн, Бош прокуратура вакили Равшан Абдужалилов, Адлия вазирлиги вакили Фурқат Тожиев, Ички ишлар вазирлиги вакили Дониёрбек Сайдахметов ҳамда Республика маънавият тарғибот маркази тарғиботчиси Феруза Муҳитдиновалар сўз олиб, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти

қуришининг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилаётганлиги, айниқса, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупцияга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантиришга катта эътибор қаратилаётганлигини қайд этиб, ушбу йўналишдаги амалий ишлар юзасидан

мисоллар келтирдилар.


– Банк тизими иқтисодий-молиявий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси сифатида иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятини таъминламоқда, – дейди **Д.Сайдахметов**. – Шу боис истиқболда ҳам банклар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳуқуматимизнинг доимий диққат марказидадир. Бироқ, минг афсуски, амалиётда учраётган коррупция муаммоси ушбу соҳа ривожига ҳам тўсқинлик қилмоқда.

Тадбирда халқимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиётини кўзлаб коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда банк тизимидаги бундай ижтимоий салбий ҳодисаларга қарши курашишни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу, ўз навбатида, катта миқдордаги маънавий-иқтисодий зарарнинг олдини олишга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Наргауз АҲМЕДОВА.

Йирик лойиҳалар учун салмоқли инвестициялар

Мамлакатимизнинг йирик инвестиция банклари – «Асака» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ зиммасига «Навоийазот» акциядорлик жамияти фаолиятига доир лойиҳалар учун узоқ муддатли кредит линиялари очишни таъминлаш вазифаси юклатилди.



Бу Президентимиз томонидан жорий йилнинг 24 июль куни қабул қилинган «Навоийазот» АЖда инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорда акс этди.

Хужжатга кўра, «Навоийазот» АЖ аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни ташкил этиш

бўйича лойиҳани амалга ошириш учун япон банклари кредитини жалб этади.

«Bank of Tokyo Mitsubishi» бошчилигидаги япон банклари консорциуми Япония экспорт-кредит агентлигининг 21,74 млн. АҚШ доллар миқдоридagi молиявий манбаларини тақдим этади. Кредит 7 йиллик муддатга берилади.

«Commerzbank» (Германия) ва «Crédit Suisse» (Швейцария) банклари консорциуми эса «Навоийазот» АЖда азот кислотаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасини амалга ошириш учун 115,62 млн. доллар миқдорида кредит тақдим этади. Ушбу кредит муддати – 11 йил.

Мамлакатимиз раҳбари «Асака» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга «Навоийазот» АЖга миллий валютада қиймати 35,4 млн. долларлик кредит линиялари очишни таъминлаш вазифасини юклади. У 10 йиллик муддатга берилади.

Президентимиз «Навоийазот» АЖга қатор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида 2018 йилнинг 1 июлига қадар лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бирга, қурилиш ишларини олиб боришга ҳам истисно тариқасида рухсат берди.

Назира МАВЛОНОВА.

Мева-сабзавот экспорти йўлида

Қашқадарё вилояти мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида катта имкониятларга эга. Шахрисабз шаҳрида ташкил этилаётган «Шахрисабз» логистика маркази мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган.



Эски пиллачилик фабрикаси ўрнида иш бошлаётган логистика маркази мева-сабзавотни етиштириш, тайёрлаш, қабул қилиш, саралаш, қайта ишлаш, жаҳон талабларига мос лабораторияларда текшириш, қадоқлаш ҳамда ҳўл, музлатилган ва қуритилган ҳолда экспорт қилиш билан шуғулланади.

Марказ тўла қувват билан ишга тушган, йилига 25 минг тоннадан зиёд маҳсулот Европа ва МДХ мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва бошқа давлатларга экспорт қилинади. Минг нафар киши иш билан таъминланади. Фермерлар, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларини етиштирган маҳсулотни сотиш ҳисобидан йилига ўртача 80 млрд. сўм атрофида даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Президентимизнинг жорий йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида Шахрисабз шаҳридаги «Олчазор импекс» Ўзбекистон – Латвия қўшма корхонаси муассислигида ташкил этилаётган марказда жорий йилнинг 1 сентябрга қадар йиллик қуввати 5 350 тонна сифимли совутич омборхона, 1000 тонна мева-сабзавотни қуриштиш, 2 минг тонна дуккакли маҳсулотларни саралаш линияси ҳамда брокерлик идораси, логистика бўлими ва экспорт мактаби фаолияти йўлга қўйилади.

– Мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида вилоятимизда кенг имконият ва юқори салоҳият мавжуд. – дейди марказ-

нинг ташкилий масалалар бўйича директори Дилшод Ёров. – «Шахрисабз» логистика маркази ушбу мақсадларга хизмат қилади. Айни пайтда мавжуд бино ва иншоотларни таъмирлаш, ишлаб чиқариш объектларига мослаштириш, янгиларини қуриш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2018 йил 1 январга қадар 88 гектар майдонда томчилаб суғориш тизими асосида интенсив боғ, замонавий ускуналар билан жиҳозланган иссиқхона, йилига 6 минг тонна маҳсулотни тез музлатувчи, 2 минг тонна магиз, қуритилган олхўри ва ўрикни қайта ишловчи линиялар ҳамда замонавий лабораторияни ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

Ипакчиликка инвестициялар йўналтирилмоқда

«Ўзбекипаксаноат» уюшмасида хитойлик ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди.



Учрашувда савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш доирасида ипак курти уруғи етиштириш, пиллани қайта ишлаш ва бозор талабларини ўрганиш асосида тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириш, ўзаро манfaatли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Баҳром Шарипов ва Хитой Халқ Республикасининг «Shandong Guang Tong Silkworm eggs Co.LTD» раҳбари Фенг Гуо Донг ўртасида ҳамкорлик борасида шартнома имзоланди. Унга кўра, келгусида Навоий ва Қашқадарё вилоятларида элита ипак курти уруғи ишлаб чиқарувчи заводлар барпо этилади. Мазкур заводлар 2018 йилдан иш бошлайди.

Тизимдаги корхона ва ташкилотларга 2023 йилгача қатор имтиёзлар берилиши, хорижий инвестициялар жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар туфайли қулай ишбилармонлик муҳити таъминланмоқда. Зеро, пиллачилик тармоғига жалб этилаётган хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ун-

дирмасдан расмийлаштирилади. Давлат божи ундирмасдан кўп марталик визалар бериш, муддатини узайтириш, вақтинча яшаш жойида рўйхатдан ўтказиш ва муддатини узайтириш амалга оширилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори тизимдаги бу имкониятларнинг жорий этилишида дастуриламал бўлмоқда.

Яқинда ташкил этилган уюшма сифатли ипак курти уруғини тайёрлаш, ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг энг харидориг турлари ва дизайнини ўзлаштириш, тармоқ маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этишга доир ишларни самарали ташкил этиш билан шуғулланмоқда.

Учрашувда ўзаро манfaatли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

Фермерларнинг дунё бозорига чиқиши учун амалий кўмак

2017 йилги гилос мавсумида ЮСАИД Европа ва Жанубий Осиёнинг янги экспорт бозорларига йўл очишда Ўзбекистондаги гилос етиштирувчи тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилди. Бу йил қиймати 350 минг доллар бўлган 110 тонна ширин гилос Лондон ва Сингапурдаги харидорларга сотилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон йилига 100 минг тонна гилос етиштириб, бу борада дунёда бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Бундай муваффақиятли ўсишга ЮСАИДнинг юқори қийматли боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга қаратилган қишлоқ хўжалиги секторини диверсификация қилишни қўллаб-қувватловчи лойиҳалари кўмаклашмоқда.

ЮСАИД лойиҳаси Ўзбекистоннинг 12 вилоятидаги 33 та туманда олиб борилиб, 2016 йилдан буён у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва миқдорини ошириш, ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорлар топиш ва қишлоқ хўжалигига оид таълим муассасаларини хусусий сектор билан боғлаш каби фаолиятни амалга оширмоқда.

Жасур МИРЗАЕВ.

Овердрафт кредити бериш йўлга қўйилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Овердрафт мижознинг даромадлари тўғрисидаги маълумотдан келиб чиққан ҳолда ўртача ойлик иш ҳақининг (пенсиянинг) 3 баробаригача бўлган миқдорда 12 ойгача мuddатга қайта тикланадиган (револьвер) шаклда, овердрафт шартномасига илова қилинган жадвалга мувофиқ босқимчаси қайтариш шarti билан берилади.

Шу ўринда эслатмоқ жоизки, ўртача ойлик иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорига мувофиқ ҳисобланади.

Овердрафт бўйича йиллик фоиз ставкаси миқдори банк ва мижоз ўртасида тузилган шартнома асосида белгиланади ва ишлатилган маблағ учун ҳисобланади. Шартнома маблағлардан фойдаланилган кундан бошлаб кучга кирилади.

Мижознинг даромадлари ўзгарган тақдирда шартномага тузатишлар киритилиши мумкин.

Овердрафт шартномаси томонлардан бири иккинчи томонни унинг мuddати тугашидан камиди 30 кун олдин хабардор этмаса, кейинги 12 ойга узайтирилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.

Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш кенгайди

Пойтахтимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан Корея Республикаси заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2507-сонли Қарорига асосан анчайин кенгайтирилди. Хусусан, унда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, экспорт билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектлари сонини ошириш, маҳсулотнинг дизайн даражасини халқаро стандартларга етказиш мақсадида хорижий мутахассисларни жалб этиш, умуман, тадбиркорларга маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишда ташкилий, амалий ва тижорий жиҳатдан яқиндан қўмаклашиш белгилаб бе-

рилган. Ҳужжат талабларига кўра, жамғарма мамлакатимиз бизнес вакиллари экспорт географиясини кенгайтириш учун қатор давлатлар, жумладан, Жанубий Кореяда ўз ваколатхонасини очган бўлиб, маҳаллий маҳсулотларимиз тарғиботи бўйича самарали ишларни йўлга қўйган.

Тадбирда Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди. Ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш доирасида мамлакатимизда заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бозор талабларини ўрганиш асосида экспорт қилиш имкониятларини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

– *Ўзбекистонга ташрифимиздан асосий мақсад заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини йўлга қўйиш имкониятини ўрганишдир, – дейди Ассоциация*

раиси Бонг Синг Ли. – Лойиҳамиз амалга ошса, маҳсулотларни нафақат Корея Республикаси, балки бошқа мамлакатларга ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган.

Учрашувда делегация вакиллари-га Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Бу борада меҳмонлар Тошкент шаҳрида жойлашган 8 та кичик саноат зонаси ҳамда «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналаридаги шарт-шароитлар билан яқиндан таништирилди.

Қайд этиш жоиз, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан хорижий йилнинг биринчи ярмида қарийб 2 мингта корхона вакиллари билан суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг 1705 тасига экспорт масаласида ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилди. Натижада 1 млрд. 565 млн. АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари имзоланиб, ҳозиргача 330 дан кўпроқ тадбиркор 657 млн. долларлик экспортни амалга оширди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

«Қишлоқ қурилиш банк»: истиқболли лойиҳалар учун инвестициялар

Жорий йилнинг биринчи ярмида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан ушбу мақсадларга 552,6 млрд. сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари йўналтирилди. Пировардида, саноатда 98,2 млрд. сўмлик, қишлоқ хўжалигида 67,4 млрд. сўмлик, транспорт ва коммуникация соҳасида 83,7 млрд. сўмлик, қурилиш индустриясида 157,1 млрд. сўмлик, моддий-техник таъминот, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа соҳаларда фаолият юритувчи субъектларнинг 146,1 млрд. сўмлик лойиҳалари амалиётга татбиқ этилди.

Биргина республика ҳудудларини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастурига асосан банкнинг минтақавий филиаллари орқали 600 та лойиҳа ишга туширилди. Ҳисобот даврида молиялаштириш бўйича муассаса томонидан белгиланган режа 550 та лойиҳага мўлжалланган бўлиб, банк бу борада мижозлар томонидан тақдим этилган барча истиқболли бизнес-режаларни қаноатлантиришга эришди. Яъни 96,4 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар ўрнига, ҳақиқатда 147,6 млрд. сўм миқдоридa кредитлар ажратди. Натижада 3284 та янги иш ўрни яратилди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланган билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш, хусусан, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойларни барпо этиш билан боғлиқ тадбирларда тижорат банклари фаоллиги тобора ошиб бормоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси юзасидан «Қишлоқ қурилиш банк» тизимида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Унга кўра, «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш» дастури доирасида банк томонидан олиб борилган ташвиқот ишлари натижасида тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган 37 265 нафар фуқарога 222,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, республикамизда сервис хизматларини ташкил этиш мақсадида 245,2 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорликка оид лойиҳаларига 15,9 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигига 120,9 млрд. сўм ҳамда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка 106,5 млрд. сўм миқдоридa микрокредит



хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, дастур талаблари асосида хизматларни интерактив шаклга ўтказиш режасига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари воситасида операторсиз, масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимига ула-

ниш шартлари тўғрисида маълумот узатиш, банк хизмати-дан фойдаланиш учун ари-дан ва бошқа ҳужжатлар электрон шаклини расмий веб-сайт орқали тақдим этиш ҳамда банк мижозлари учун

ўз ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари қолдиги, айлан-маси тўғрисида маълумот олиш йўлга қўйилди.

«Интернет-банкнинг» хизматидан фойдаланувчи юри-дик шахсларга янада қулай-лик яратиш мақсадида янги «Корпоратив интернет-банкнинг» тизими жорий қилинди. Бу билан улар ма-софадан туриб ўз ҳисоб рақамлари орқали тўлов топшириқномаларини яна-да тезкор равишда ўтказиш, тўлов ҳужжатлари шаблонла-

ри ва архивини яратиш ҳамда стандарт ҳисоботларни авто-матик равишда шаклланти-риш каби янги имкониятларга эга бўлдилар.

«Click» ва «Рауте» тўлов тизимлари билан бирга-ликда банк ўз мижозлари-га «онлайн» карточкала-ри орқали тўловларни амал-га ошириш тизимини татбиқ этган, ҳозир улар турли кўринишдаги тўловларни ўз мобиль аппаратлари орқали ўтказмоқдалар.

Жисмоний шахслар учун эса банк масофавий хизмат-лардан – «Мобиль-банкнинг» ва «Интернет-банкнинг» тизим-ларини ишга туширди.

Шунингдек, банкда Халқ би-лан мулоқот ва инсон манфа-атлари йили муносабати би-лан «Манфаат ва «Мулоқот» номли омонат турлари жор-рий қилинди. Умуман олган-да ўтган биринчи ярим йиллик давомида 15 та янги турдаги омонат амалиётга киритилиб, улар сони 38 тага етказилди. Банкнинг депозит базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш йўлида ишга туширилган янги инновацион лойиҳа – «Deposit Banking» тизими бўйича кенг қўламда ташвиқот ишлари олиб борилди.

Назира МАВЛОНОВА.

Аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш учун кредитлар

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банкининг Фарғона вилояти Бувайда филиали жорий Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан ишлаб чиқилган «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш» дастури доирасида ўзига бириктирилган 13 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида агрофирмалар ташкил қилди.

2017 йил 27 июнь ҳолатига қўра, 14 та агрофирмага банк филиали томонидан 1 млрд. 549 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан 321 млн. сўми парранда, 345 млн. сўми лимон кўчати, 16 млн. 500 минг сўми ёнғоқ кўчати сотиб олишга, 816 млн. сўми иссиқхона қуриш учун қурилиш материаллари харид қилишга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартдаги 119-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан иссиқхона қуриш, парранда сотиб олиш учун 433 нафар фуқарога 2 млрд. 574 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Бундан ташқари, 12 та жисмоний шахсга асарларчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун 87 млн. сўм, 13 та жисмоний шахсга касаначилик

фаолиятини ташкил қилиш учун 94 млн. сўм кредитлар ажратилди.

Мазкур кредитлар эвазига жойларда жами 800 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида 213 нафар миждозга 1 млрд. 68 млн. сўм савдо кредитлари, 345 та қишлоқ хўжалиги корхоналарига чорвачилик фаолиятини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун минерал ўғит сотиб олишга жами 1 млрд. 755 млн. сўм тижорат кредитлари ажратилди, — дейди «Агробанк» АТБ-нинг Бувайда филиали бошқарувчиси Ҳамидулла Мамадалиев.

2017 йилда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва галла ҳосили етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари-

га кирувчи 246 та фермер хўжалигига 5 млрд. 137 млн. сўм ва пахта ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 278 та фермер хўжалигига 7 млрд. 884 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришида кўмаклашиш учун банк филиали томонидан ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ўз бизнес лойиҳалари билан банк оstonасига келатган битирувчиларга кўрсатилаётган ёрдам, уларнинг истиқболли лойиҳалари банк кредитлари билан қўллаб-қувватланиши катта аҳамият касб этмоқда.

Ҳамдам АМИНОВ.

Кичик кредитнинг катта фойдаси

Президентимизнинг 2017 йил 17 мартдаги «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламга микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида жорий йилнинг биринчи ярмида Жиззах вилоятида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 300 млрд. сўмликдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

— Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки туман филиалининг 182 млн. сўм кредити эвазига замонавий мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди Мирзачўл туманидаги «Шоҳжаҳон файз универсал сервис» хусусий корхонаси раҳбари Б.Муқимов. — Олти киши меҳнат қилаётган корхонамизнинг замонавий дизайндаги диван, стол-стул, болалар кровати каби мебеллари, айниқса, ёш оилаларга манзур бўлмоқда.

Корхона ҳудуддаги бошқа ташкилотлардан ҳам буюртмалар олади. Яқинда корхона «Гагарин маъданли суви» санаториясига буюртма асосида турли мебеллар етказиб берди.

Мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган тадбирлар туманда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, молия муассасалари ходимлари тумандаги 10 мингдан зиёд хонадонда бўлиб, тадбиркорлик бўйича кенг тушунчалар берди. Бунинг самарасида жорий йилнинг ўтган даврида 938 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Уларга тегишли равишда банк кредитлари ажратилди.

Илгари иқтисодиётнинг асосий соҳаси қишлоқ хўжалиги бўлган туманда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам тобора ривожланмоқда. Шу мақсадда 2017-2018 йилларда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилаётир.

Ў.А.

Этиборлиси, банк ўзининг намунали мижозларига хизмат кўрсатишда турли имтиёз ва чегирмалар ҳавола этиб келади. Хусусан, бизнесга доир лойиҳаларни молиялаштиришда муассаса ҳар йили соҳа субъектлари ўртасида танлов ўтказиб, улар орасидаги истиқболли бизнес-режалар учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тақдим этади.

Миршавкат Мирсаидов, яқка тартибдаги тадбиркор, «Энг яхши ёши улуг тадбиркор»:


— Ёшим эллиқни қораламоқда. Тадбиркорликда тажрибам катта. Дастлаб савдо билан шугулландим. Кейинчалик эса, юртимизда хусусий тадбиркорликка берилаётган имконият ва имтиёзлар туфайли соҳада салмоқлироқ ишга қўл урдим.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларидаги етакчи компаниялар билан ҳамкорликка эгаман. Республикамиз бунёдкорлигида кенг қўлланилувчи энг сўнги қурилиш материаллари импортини амалга ошираман.

«Ипак йўли» банки хусусида тўхталиб, юртимиздаги энг замонавий молия муассасаларидан бири дейиш мумкин. «Замонавий» деганда фақатгина жиҳозланганлик даражасини эмас, балки янги аср талабларига монанд мижозлар хоҳишини тезда англаб, қисқа муддатда қарор қабул қила олувчи, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашувчи, доимий мижозлари ҳамкорлигини қадрловчи банк, дег қайд этаман.

Мижоз мамнунияти

«Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки ташкил этилибдики, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, соҳа вакилларининг яқин ҳамкорига айланган.



Муҳайё Баҳодирхўжаева, ҳунарманд, «Энг яхши тадбиркор аёл»:

— Аёллар кийим-кечакларини тикиб, уларга гул соламыз. Бундан уч йил аввал 2 та тикув машинаси билан ишни бошлаганим. Ҳозирги кунда улар сони 7 та бўлиб, ички бозорга ойига 5 мингтадан 10 мингтагача маҳсулот етказиб бераёпмиз. Бу борада бизга «Ипак йўли» банки молиявий жиҳатдан катта мададкор бўлмоқда. Сўнги бор, лойиҳамизга қўра, корхонамизга тақдим этилган 60 млн. сўмлик кредит маблағи эвазига ҳам ускуна харид қилиб, ҳам ҳомашё базамизни тўлдиришга муваффақ бўлдик.

Ҳунар ҳар қандай кишини саодатга элтади. Айниқса, ҳунарли аёл амали нафақат оиласига, балки бутун бир жамиятга катта наф келтиради, авлоддан авлодга ўтиб, мерос сифатида қолади.

Минг шукрки, қизим ҳам шу касбга меҳр қўйди. Ҳозирда Тошкент шаҳридаги миллий ҳунармандчилик иқтисослашган касб-ҳунар коллежининг каштачилик йўналишида таҳсил олмоқда. Ўқишни тамомлагач, алоҳида корхона очиш ниятида. Бунинг учун бизни доим қўллаб-қувватлаётган «Ипак йўли» банки кўмагига таянамиз.

Жасур Закиров, яқка тартибдаги тадбиркор, «Энг яхши ёш тадбиркор»:

— Бизнес — бутунлай таваққалчиликка асосланган соҳа. Шундай бўлишига қарамай, бугунги кунда тижорат банклари бизнес туғул, мустақил ҳаётда етарли тажрибага эга бўлмаган ёшларнинг тадбиркорликка доир ташаббусларини ҳеч иккиланмай фаол қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, «Ипак йўли» банки томонидан ҳам мен каби қўллаб ёшларнинг бизнес лойиҳалари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Шахсий бизнесимни ташкил этиш борасидаги ўйлар коллежда таҳсил олиб юрган кезларим туғилганди. Ўқиш жараёнида автомобиллар эҳтиёт қисмларининг олди-сотдиси билан шугулланувчи танишларимдан соҳанинг сирасорларини ўргандим. Дипломни қўлга киритгач эса, «Ипак йўли» банкидан сармоя олиб, ишни бошлаб юбордим.

Ҳозирча ушбу турдаги маҳсулотларни импорт қилиш билан шугулланаман. Яқин келажакдаги мақсадим давлат Маҳаллийлаштириш дастури асосида бозор талабларидан келиб чиқиб, автомобиль саноати учун зарур товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Аҳоли учун арзон ва сифатли гўшт: бу йўлдаги ишлар самараси

Бугунги кунда жамиятимизда соғлом турмуш тарзига амал қилиш, истеъмол маҳсулотларни таркибига эътибор қаратиш ҳаёт давомчилигининг бирламчи омилга айланиб бормоқда.

Айниқса, навқирон авлод вакиллари орасида жисмонан нимжон болалар кўпайиб бормоқдаки, бу экологиянинг ифлосланишидан бўлаётган таъсир баробарида, оилаларда оқсил ва углеводдорларга бой маҳсулотлар истеъмоли камайиб бораётгани билан изоҳланмоқда.

Дарҳақиқат, жисмонан бақувват, иммунитетни мустаҳкам инсон бўлиб улғайишда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ўрни юксак. Зеро, гўшт маҳсулотлари инсон саломатлигини мустаҳкамлаши билан бирга, руҳан тетик ҳамда фаол турмуш тарзини кеңиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки таркибиди асосий озиқ моддалари — оқсил, ёғ, углевод, витаминларга бой таомин қилиш инсон ҳаёти ва саломатлигининг асоси, узоқ умр кўриш ва меҳнат қобилиятини белгилловчи бош омилдир.

Шундай экан, ҳукуратимиз томонидан аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш, сифатли гўшт билан таъминлаш мақсадида барча зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, қорамолчилик ва чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу йўналишда фаолият кўрсатувчи фермер ва тадбиркорларга кенг қўлайликлар яратилиб, фаолиятларини янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар тақдим этилмоқда.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда 662 та қорамолчилик йўналишидаги наслчилик хўжаликлариди 100 минг бошдан зиёд юқори маҳсулдор насли қорамол парваришланмоқда. Биргина 2016 йилда улар томонидан 9 минг бошдан кўпроқ қорамол шахсий ёрдамчи, фермер ва деҳқон хўжаликларига сотилган. Чорвачилик соҳасини 2021 йилгача бўлган муддатда ривожлантириш борасида белгиланган чора-тадбирлар дастурига кўра, йirik шохли қорамоллар бош сони 14 млн. 800 минг бошга, майда шохли моллар 23 млн. 127 минг бошга етказилади, бу эса мамлакатимизда гўшт етиштиришни 26,2 фоизга ошириб, Ўзбекистон аҳолиси эҳтиёжини тўлиқ қондиришга эришилади.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан келажакни ўйлаб ана шундай кенг қўламли амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилаётган бўлса-да, айни кунларда гўшт нархи кескин равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик билан боғлиқ чора-тадбирларни кўриш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Тошкент шаҳри бозорларидаги маҳаллий орик мол гўштининг нархи 32-35 минг сўмни, лаҳм эса 40-45 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Шу боис ҳукуратимиз томонидан республикамиз аҳолисини ҳамёнбоп, арзон ва сифатли гўшт билан таъминлаш мақсадида Польшадан катта миқдорда музлатилган гўшт олиб келинди.

Хориждан олиб келинган музлатилган гўшт Тошкент шаҳрининг барча бозорларидаги (уларнинг умумий сони 12 та) «Элга хизмат» дўконларига ҳамда «Корзинка» супермаркетининг (Авиатор, ТТЗ, Чилонзор, Юнусобод ва бошқа) филиалларига аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида сифатли ҳолда, қадоқлаб (1,5-2,5 кг.) сотиш учун тарқатилган.

Барча бозорларимизда Польшадан келтирилган гўшт ҳукурат томонидан белгиланган имтиёзли арзонлаштирилган нархда 21 000 сўмдан сотилмоқда.

Хулоса сифатида шунга айтиш мумкинки, ҳукуратимиз томонидан кўрилаётган бундай чора-тадбирлар замирида юртимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган эзгу амалий ишлар мужассам. Зеро, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, инсон саломатлигида муҳим бўлган истеъмол маҳсулотлари сифатига доимий эътибор қаратиш ҳукуратимиз қундалик фаолиятидаги муҳим мезонга айланган.

Бекзод АКРОМОВ.

Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

Лойиҳаларга 3 трлн. сўмдан ортқ сармоيار ажратилиши ва пировардида 50 мингта иш ўрнини қайта тиклаш ёки ташкил қилиш режалаштирилган. Лойиҳаларнинг 1,5 трлн. сўмга тенг миқдори тижорат банклари томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган.

— Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини оширишнинг янгича механизми тез кунларда ўз буй-бастини кўрсатади, — дейди С.Абдуқодиров. — Ҳозирда ҳам ўтган 3 ойда амалга оширилган ишларнинг дастлабки натижалари мавжуддир. Жумладан, биргина Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги солиқ «Восток ЛТД» корхонасининг бўш турган биносиди «Record Textile» МЧЖ томонидан қиймати 10,1 млрд. сўмлик ип-калавани

бўйш, Сардоба туманидаги солиқ паррандачилик мажмуасиди «Бобур» МЧЖ томонидан қиймати 1,9 млрд. сўмлик бройлер жўжалари етиштириш, Сирдарё туманидаги солиқ спорт жиҳозлари заводиди «Файз» МЧЖнинг 20 млрд. сўмлик инвестицияси ҳисобидан гўзапояни қайта ишлаш орқали ДСП ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга тушириш ниҳояланиш арафасиди.

Умуман, хусусийлаштирилган корхоналарнинг мавжуд улкан иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини тиклаш ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортни жадаллаштириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омил бўлиб, худудлар ва бутун мамлакатимизни ривожлантиришни таъминлайди.

Наргуз АҲМЕДОВА.

Пилладан бир йилда икки марта ҳосил

Дунёнинг исталган жойидан келтирилган ниҳоллар Ўзбекистонда гул очиб, ҳосилга киради. Донишмандлар бежиз айтмаган: бу заминга қадалган ҳар бир чўп меҳрдан баҳраманд бўлиб, қуртак ёзади.



Кейинги пайтларда аҳоли орасида «Хитой тути» деган ибора пайдо бўлди. «Хориждан келтирилган бу ниҳоллар катта майдонларга экилмоқда, бироқ ўзимизда ҳам тут дарахти кўп-ку?», дейдиганлар ҳам топилади. Уларга жавобан мутахассислар ўз фикрини айтмоқда: у ипак куртидан такор ҳосил олиш йўлидаги истиқболли қадамдир.

Баҳорнинг сўнгги кунларида пилланинг илк ҳосили тарозига тушди. Мавсум якунида етиштирилган мўл ҳосил пиллакорларимизга қувонч улашиш билан бирга ғайратига ғайрат қўшди. Давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларига ташрифи давомида икки марта пилла боқишни йўлга қўйиш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларидан руҳланган «кумуш тола» етиштирувчилар шу кунларда такоррий пилла ҳосили парваришлагга қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

— Пилладан бир йилда икки марта ҳосил оламиз деганимизда шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди, — дейди «Ўзбекипаксаноат» уюмаси бошқаруви раиси Баҳром Шарипов. — Шу кунларда тажриба тарзида ипак курти етиштириш тадбирлари бошлаб юборилди. Иқлимимиз иссиқ бўлгани учун баҳорда тут барги 20 кунда, ёзда бир ҳафтада қотади. Шунинг учун баҳордаги каби катта миқдорда бўлмаса-да, кичикроқ ҳажмда — 10 500 қути ипак курти парваришламоқчимиз. Шу мақсадда звенолар ташкил этилиб, инкубаторияларда тайёргарлик бошланди.

Мавсум самарали ўтишини таъминлаш ва хорижлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш мақсадида Хитойдан малакали мутахассислар ҳам жалб этилди.

— Хитой ва Ўзбекистон алоқалари минг йиллик тарихга эга, — дейди Хитойдаги «Torgxiang Silkworm Co.Ltd» компанияси мутахассиси Жан Жан Шинг. — Буюк ипак йўли бунга ёрқин мисолдир. Ҳозир бизда пилладан йилига 6-7 маротаба ҳосил олинмоқда. Бу борадаги тажрибамизни Ўзбекистондаги ҳамкорларимиз билан баҳам кўрмоқдамиз. Бир ой давомида назарияни амалиёт билан бирга олиб бораемиз.

ХИТОЙ ТУТИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?
Пиллачиликда ютуқларнинг бош омили қисқа муддатли, аммо кўп меҳнат талаб қиладиган жараён — етарли миқдорда озуқа жамғариш билан боғлиқдир. Маълумотларга кўра, ҳозир мамлакатимизда 51 минг гектар майдонда тутзорлар ҳамда 80 млн. туп тут дарахти мавжуд. Хўш, ёз мавсумида тут барглари қирқилиб, ипак куртига озуқа учун берилса, келгуси йилда озуқа базаси қандай яратилади? Албатта, бу савол кўпчилиكنи қизиқтиради шубҳасиз.

— Бу борада олимларимиз пиллакорлар учун амалий семинар-

лар, суҳбатлар ташкил этмоқда, — дейди Ипакчилик илмий-текшириш институти директори Шавкат Умаров. — Кузги ипак куртини боқиш жараёнида тут баргидан нотўғри фойдаланиш тутнинг кейинги йилдаги ривожига маълум маънода зарар етказиши мумкин. Бу борада қатор таълимий чора-тадбирлар кўрилади.

Жорий йилнинг ўтган даврида уюшма жойларда Хитойдан келтирилган 20 минг туп интенсив тут кўчатини экди. Улар совуққа чидамлилиги, йirik барги, озуқа қийматининг юқорилиги ва ўсувчанлиги билан пиллакорларимизга манзур бўлмоқда. Келгусида бундай тут майдонларининг кенгайиши пилладан такоррий ҳосил олиш имкониятини янада оширади.

ҲОЗИРЧА ҲИНДИСТОН, КЕЙИН...

Иқтидорли ёшлар, малакали мутахассислар ҳар бир соҳанинг истиқболини таъминлайди. Улар тажрибасини ошириб бориш, жаҳоннинг энг сўнгги инновацион технологияларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш давлатимиз эътиборида бўлиб келмоқда.

Яқинда бир гуруҳ ёшлар уруғ тайёрлаш ва ипакчилик соҳасидаги билимларини янада ошириш учун Ҳиндистонга юборилди. Бу мамлакат пилла етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Хусусан, Бангалор шаҳрида йилига ўн мартагача «кумуш тола» олинади.

— Ўзбек пиллачилиги шуҳратини юксалтириш ишлари-га ёшларни кенг жалб қилиш чоралари кўрилмоқда, — дейди «Ўзбекипаксаноат» уюмаси бошқаруви раиси ўринбосари Олим Жумаев. — Тизимга ёшларнинг янги инновацион гоғлар ва ишланмаларини татбиқ этиш, бу борада уларни қўллаб-қувватлаш, етарлича кўмаклашишга интилоқдамиз. Сентябрь ойида Йигирма, келгуси йилда эллик нафар ёш мутахассис Хитойга ўқишга юборилади. Улар пилла етиштириш, ундан тола олиш ва қайта ишлаш бўйича ўз билим ва тажрибасини ошириб, қайтади. Келгусида Япония билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

ЎзА материали асосида.

Хорижда малака ошириш

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг 30 нафар тингловчиси ва 4 нафар ўқитувчиси Япония ҳамда Германияга малака ошириш учун жўнаб кетди.

Банк-молия академиясида илгор хорижий тажриба билан танишиш, кенг қамровли назарий билимлар ҳамда жаҳоннинг етакчи мамлакатларида синовдан ўтказилган амалий кўникмаларга эга юқори малакали ёш бошқарув кадрларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада академияда магистратура тингловчилари учун хорижий мамлакатларда ўтказиладиган махсус семинарлар, малака ошириш дастурлари ва стажировкаларда иштирок этиш амалиёти кенг йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг 3 августидан бошлаб Япония Молия вазирлиги ҳузуридаги Сиёсий тадқиқотлар институти мутахассислари томонидан саралаб олинган 10 нафар энг илгор тингловчи Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари учун ташкиллаштирилган Токио шаҳридаги Ёзги семинарда иштирок этмоқда. Шунингдек, икки нафар академия ўқитувчиси ҳам махсус дастур бўйича семинарда қатнашиб, педагогик маҳоратини оширмоқда.

Бир ойга мўлжалланган семинар давомида тингловчилар илмий тадқиқотлари устида ишлаш билан бирга Япониядаги нуфузли университетлар профессорлари ҳамда давлат ташкилотларидан ташриф буюрган экспертларнинг иқтисодиёт, молия ва солиқ тизимига доир маърузаларини тинглашга муваффақ бўладилар.

Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари вакиллари Япония Молия вазирлиги, Марказий банки, Токиодаги божхона, солиқ ва молия бошқармалари ҳамда «Kuosaga», «Panasonic» каби етакчи компаниялари фаолияти билан яқиндан таништириш ҳам семинар режасидан ўрин олган.

Малака ошириш давомида иштирокчилар япониялик олим ҳамда мутахассислар маслаҳати ва техник ёрдами билан ўз мамлакатларининг иқтисодий-молиявий жиҳатдан ривожланишига оид долзарб масалалар бўйича мустақил тадқиқот ишларини олиб борадилар. Тадқиқот натижалари семинар якунида Япония Молия вазирлиги Экс-

перт гуруҳига тақдимотлар кўринишида тақдим этиладилар.

Бундан ташқари, таълим жараёнида ижобий рейтинг кўрсаткичларига эришган ҳамда инглиз тилини юқори даражада ўзлаштирган академиянинг 20 нафар тингловчиси ва 2 нафар ўқитувчиси Германиянинг Бремерхафен амалий фанлар университетида стажировка дастурларида иштирок этади. Мазкур сафар давомида ҳам академия вакиллари Германиянинг етакчи университетлари ўқув семинарларида иштирок этиш билан бирга, банклар, турли молиявий институтлар ва йирик ишлаб чиқариш объектига таширф буюрадилар. «Sparkasse», «Aufbaubank», «DZ Bank», Европа Марказий банки, Франкфурт фонд биржаси, «Мерседес» автомобил заводи кабилар шулар жумласидандир.

Айтиш жоиз, бундай кўринишдаги ҳамкорлик академия тингловчиларида мустақил қарор қабул қила олиш, инновацияларга йўналтирилган ҳолда иш олиб бориш кўникмаларини шакллантириб, келгусида раҳбарлик фаолиятини самарали давом эттиришларига пойдевор яратди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Ёшлар иш билан таъминланди

Нукусда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси «Ёшлар – келажак бунёдкори» деб номланди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Ички ишлар ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада 36 корхона ва ташкилот 167 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркага асосан маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар, мuddатли ҳарбий хизматдан бўшаган ва сафарбарлик резервида хизмат қилган йигитлар таклиф этилди.

– Бугун «Нукус текстиль» масъулияти чекланган жамиятига ип йиғирувчи оператор вазифасига ишга йўлланма олдим, – дейди Раъно Ўтепбергенова. – Биз, ёшларнинг ўз мутахассислигимиз бўйича ишга жойлашишимизда мана шундай тадбирларнинг ўрни катта. Тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман.

Ярмаркада 30 дан зиёд ёш иш билан таъминланди. Ўз тадбиркорлигини бошлашга аҳд қилган ёшларнинг банклардан имтиёзли кредит олишига кўмаклашилди.

Ў.А.

Шу боис айни дамда жаҳонда кашфиётлар, янги-янги гоъялар устида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Натиждада кун сайин янги ихтиролар кашф этилмоқда.

Биздаси? Юртимизда ҳам шу каби ишланмалар борми? Сўнги йилларда ахборот технологияларини ривожлантириш учун кўплаб чора-тадбирлар кўрилди. Айниқса, ёшларнинг замонавий техникага бўлган қизиқишини инобатга олган ҳолда соҳани янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва уларнинг ишланмаларини рағбатлантириш мақсадида бир неча йилдан буён «Best Soft Challenge» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бу танлов йилдан йилга мукамаллик касб этиб бораётгани эса эътиборга моликдир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги юртимиз ёшлари ўртасида «Best Soft Challenge-2017» – энг яхши дастурий таъминот воситалари танловига старт берди. Танлов мақсади дастурий таъминот соҳасида ёш дастурчиларни рағбатлантириш, истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва саноатга жорий қилиш, дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришдан иборатдир.

– 2013 йилдан бошлаб ўтказилиб келаётган танловда олий таълим муассасаларининг талабалари, шунингдек, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари, 25 ёшгача бўлган барча хоҳловчи ёшлар иштирок этиши мумкин, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги АКТни ри-

Олға, ёш кашфиётчилар!

Бугун ён-атрофимизни ахборот технологиялари қамраб олмоқда. Ҳатто боғча боласи ҳам компьютер, смартфон нима эканини билиб воёга етмоқда. Албатта, замонавий техника инсониятга қулайлик яратиш ва таракқиёт учун хизмат қилаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.



вожлантириш ва АТ конвергенциясини стратегик режалаштириш бўлими бошлиғи Рустам Каримжонов. – Жорий йилда танлов шартларига кўра 4 та йўналишда 3 тадан энг яхши АТ-таклифлари аниқланади. Булар «Ақлли шаҳар», компьютер ва мобил ўйинлар, савдо ва хизмат кўрсатиш бўйича энг яхши лойиҳалар ҳамда «АКТ йўналишида энг илгор гоъя» махсус номинацияси. Мазкур номинациялар бугунги дастурий таъминот воситалари бозоридаги энг сўнгги тенденциялар асосида саралаб олинган. Мисол учун, бугун мамлакатимиз шаҳарларидаги бино ва тузилмаларда хавфсизлиқни таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан

кенг фойдаланилмоқда. Ҳукуратимиз томонидан «Ақлли шаҳар» тизимини яратиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда умумий хавфсизлик, мониторинг ва назорат, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш, фавқулодда ҳолатларда тезкор хабар бериш тизимларини яратиш, виртуал туризм, шунингдек, «Ақлли дўкон», интерактив тамаддихона, «Ақлли офис» каби замонавий дастури ва ишланмаларни яратиш муҳим ҳисобланади. Буларни ўзимизнинг кадрлар, мутахассислар яратса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Танлов 2017 йилнинг 4 августидан 10 ноябрга қадар 3 босқичда ташкил қилинади. Бунда 4 августдан 16 окт-


ябрга – иштирокчилар рўйхатга олинди; 18-27 октябрь – дастлабки саралаш босқичи (финал ғолибларини аниқлаш); 1-10 ноябрь – якуний саралаш танловлари (ғолибларни аниқлаш). Шунингдек, танловда 3 нафар кишидан иборат гуруҳлар қатнашиши ҳам мумкин. Индивидуал ва гуруҳдаги иштирокчилар эса фақат бир номинацияда қатнаша оладилар (қайта иштирок этиш мумкин эмас).

Иштирокчиларни рўйхатга олиш ва ишланмаларни тақдим этиш www.software.uz сайтыда онлайн режимда амалга оширилиб, 3 босқичда иштирок этиш истагида бўлганлар хайъат аъзоларига ўз лойиҳаларини тақдим этадилар. Ишланма ва лойиҳаларни баҳолашда уларнинг долзарблиги, гоъянинг оригиналлиги, технологик ишланманинг афзалликлари, интерфэйс ва фойдаланиш қулайлиги, дастурий таъминотдан эркин фойдаланиш, унинг очик кодли тизимда яратилганлигига эътибор қаратилади. Долзарб лойиҳалар амалга татбиқ этиш учун тавсия қилинади. Ишланмалар учун барча муаллифлик ҳуқуқлари ишланма эгаларига тегишли ҳисобланади.

Танлов ғолиблари расмий ҳомийлар – «HUAWEI», «O'zbektelekom» компаниялари, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш марказининг мукофотлари билан тақдирланадилар.

Бу кўрик-танлов ҳеч бир ёшни эътиборсиз қолдирмайди. Чунки у турли янги кашфиётлар болашақларнинг Олға, ўзига ишонган келажак авлодлари!

Бобур МУҲАММАДИЕВ.



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Статистик маълумотлар янада холис бўлади ва фойдаланиш имконияти кўпаяди

Президентимизнинг 2017 йил 31 июлда «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3165-сонли Қарори эълон қилинди. Ҳужжат давлатимиз раҳбарининг сайтыга жойлаштирилган.

Ҳужжат билан Давстатқўмнинг янги ташкилий тузилмаси, марказий аппарати (бошқарув ходимлари сони – 234) ҳамда ҳудудий бўлинмалари тузилмалари, шунингдек, 2017-2021 йиллардаги фаолиятининг устувор йўналишлари тасдиқланди.

2017-2021 йилларда статистик фаолиятни ташкил этиш самарадорлигини тубдан ошириш, статистик ахборот сифатини ва уни тарқатиш тизимини яхшилаш чора-тадбирлари дастури маъқулланди.

Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этишнинг куйидаги тартиби белгиланди:

- Давстатқўм раиси – Бош вазир тақдимномасига асосан Президент томонидан;
- Давстатқўм раиси ўринбосарлари – Президент томонидан;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри статистика бошқармалари бошлиқлари – Давстатқўм раиси томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва пойтахт ҳокими тақдимномасига биноан;
- туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари раҳбарлари – туман (шаҳар)

ҳокимлари тақдимномасига биноан ва Давстатқўм раиси билан келишилган ҳолда вилоят даражасидаги бошқармалар раҳбарлари томонидан.

Идорага статистик ҳисоботларни олаётганда номувофиқликлар келиб чиққанда статистик маълумотларни чуқур таҳлил қилишнинг такомиллаштирилган тартибини жорий этиш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорликда уларни тезкор бартараф этиш вазифаси топширилди.

Давлат қўмитаси расмий сайтининг мазмунига доир талабларга алоҳида шартлар қўйилган. Уни шаффофлик, очиқлик ва фойдалана олиш жиҳатидан қайта кўриб чиқиш зарур. Талаб қилинган ахборотлар, таҳлилий материаллар ва маърузалар ўша ернинг ўзида жойлаштирилиши, фойдаланувчилар билан «онлайн маслаҳатчи» режимда тезкор мулоқот қилган ҳолда турли кесимларда маълумотлар визуализация қилиниши керак.


Шунингдек, статистик маълумотлар ва мамлакатимиз тўғрисидаги бошқа маълумотларни халқаро нашрларда жойлаштириш мақсадида етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан ҳамкорлик кенгайтириб борилади.

Барча давлат харидлари ягона порталда бўлади

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 31 июлда «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3166-сонли Қарори имзоланди. Ҳужжат давлат раҳбари сайтыда жойлаштирилган.

«Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси» давлат корхонаси тугатилмоқда. Бундай қарор, энг аввало, унинг иши давлат ва корпоратив харидларнинг очиқлиги ва шаффофлигини лозим даражада таъминламаётлиги билан боғлиқ. Тузилаётган шартномалар муносиб даражада таҳлил қилинмаслиги кооперациянинг ривожланиши ва маҳсулотларнинг маҳаллий хомашё базасида маҳаллийлаштирилишида салбий ақс этмоқда.

Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар ик-




ки ой ичида киритилиши даркор. Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида давлат харидлари ягона ахборот порталини ҳамда ресурслар ягона миллий маълумотномасини яратиш орқали ушбу механизмларнинг очиқ-ойдинлиги ва

шаффофлиги таъминланиши зарур.

Бундан ташқари, бир ой мuddатда Ҳукуматга «Ўзэкспо-марказ» Миллий кўргазма мажмуасининг кўргазма-ярмарка фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклифлар киритилади.

Иқтисодий суд ишларини юритиш – янги кодексда

Иқтисодий процессуал кодекс лойиҳаси ҚХТБТ порталида эълон қилинди.



Эслаб ўтамиз, Иқтисодий процессуал кодекс (ИПК) лойиҳасини жорий йилнинг 1 сентябрига Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш топширилган.

ИПК лойиҳаси 5 бўлим, 36 боб ва 337 моддадан иборат. Лойиҳада амалдаги ХПКда мавжуд камчиликлар бартараф этилди.

Жумладан, янги Кодекснинг лойиҳаси куйидаги ўзгаришларни кўзда тутди:

1 – хорижий судлар ва арбитражларнинг қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ишини юритиш тартибини, шунингдек, юридик аҳамиятга эга фактларни ўрнатиш тўғрисидаги ишларни регламентлайди;

2 – вилоят даражасидаги иқтисодий судларнинг судловга тегишлилигига Ўзбекистон норезидентлари-чет эл фуқаролари иштирокидаги ишлар, хорижий судлар ва арбитражларнинг қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги ишлар киритилди;

3 – судловга тегишлиликнинг умумий қондасига тuzатиш киритилди: юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга давволар улар рўйхатдан ўтказилган жой бўйича судга тақдим этилади (ҳозир – жавобгарнинг жойлашган жойи бўйича);

4 – прокурор фуқаролар, устав жамғармасида давлат улуши бўлмаган юридик

шахслар ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга мурожаат қилади. Бунда фуқаролар ва хусусий ташкилотлар номидан даъво аризаси бериш учун ёзма равишдаги розилик талаб этилади;

5 – вакиллар ихтиёрий (шартномавий) ва профессионал адвокатларга тоифалаштирилган;

6 – солиқ қарзини қардорнинг мол-мулкига қаратишнинг суд тартиби чиқариб ташланмоқда;

7 – коммунал қарзларни суд тартибидан ундириш учун унинг миқдори фуқаролар учун камида ЭКИХнинг 5 баравари ва юридик шахслар учун камида ЭКИХнинг 20 бараварини ташкил қилиши керак;

8 – яраштириш тартиб-таомилларини тартибга солувчи нормалар (келишув битими) алоҳида бобга бирлаштирилди;

9 – янги институтлар жорий этилмоқда:

- суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш;
- суд музокаралари;
- апелляция, кассация шикоятини (протест) суд иш юритувига қабул қилишни рад этиш;
- апелляция, кассация шикоятини (протест) кўриб чиқмасдан тузиш.

Лойиҳа ўзгартирилиши, тўлдиррилиши ёки рад этилиши мумкин.



Лондон ўз зиммасидаги мажбуриятни адо этади

Европа Иттифоқининг бюджет ва инсон ресурслари бўйича комиссари Гюнтер Эттингер «Bild» нашрига берган интервьюсида маълум қилишича, британияликлар Европа Иттифоқи таркибидан чиқиб кетса-да, ташкилот олдидаги мажбуриятларни тўлиқ адо этади ва аввалроқ имзолаган узоқ муддатли дастурларга доир тўловларни амалга оширади.

«Британияликлар ташкилот аъзоллигидан чиқиб кетса ҳам, 2019 йилда узоқ муддатли дастурлар, битимларда белгиланган тартибларга риоя қилади. Ушбу ҳужжатлар уларнинг «Brexit» бўйича ягона тўхтама қелишига сабаб бўлган. Улар бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳужжатлардир», – деди у.

«Шу боис Лондон масъуллари узоғи билан 2020 йилга қадар Брюсселга барча жўнатмаларни юбориши кутилмоқда», – дея қўшимча қилди еврокомиссар.

Эттингернинг таъкидлашича, «узоқ истиқболда ЕИ бюджети «Brexit» тўғрисидаги йилга 10-12 млрд. евро кам маблағга эга бўлиши мумкин». «Бу

йўқотишлар тежамкорлик ва аъзо мамлакатлар томонидан киритиладиган бадал тўловларининг кўпайиши натижасида билинмаслигига умид қиламан», – деди у.

Амалдаги тартиб-таомиллар бўйича Лондон ва Брюссель ўртасидаги расмий музокаралар жорий йилнинг июнь ойида, яъни Бирлашган Қиролликда ўтказилган референдумдан кейин роппа-роса бир йилдан сўнг бошланди. Музокаралар 2018 йил ноябрь ойига қадар давом этиши кутилмоқда. Сўнг томонлар келишувларни ўз миллий парламенти томонидан тасдиқлаштириш учун ярим йиллик муддатга эга бўлади.

«Royal Bank of Canada»: овозли ёрдамчи орқали тўлов

Эндиликда «Royal Bank of Canada» (RBC) мижозлари «Apple» гаджетлари орқали «Siri» деб номланувчи овозли «ёрдамчи»дан тўловларни амалга оширишни илтимос қилиши мумкин. Банкнинг «iPhone» ва «iPad»даги янгиланган иловаси овозли дастурлар ёрдамида тўловларни бошқариш имкониятига эга.

Овозли топшириқдан сўнг «Siri» тўлов рўйхатдаги инсонларнинг қай бирига мўлжалланганини аниқлаштиради ва «TouchID» дастури ёрдамида бармоқ изини сканер қилиш орқали пулларни кўради жойга юборади.

Банк мижозлари пулларни «Apple»даги «iMessage» хабарномалари орқали ҳам ўтказиши мумкин. Фойдаланувчилар юбориладиган пул маблағи ҳажмига оид маълумотни киритади ва пулларни «iMessage»даги суҳбатдошга бармоқ изини тушириш орқали юборади.

«PayPal» электрон тўлов тизими оид илова мижозларга бошқа фойдаланувчидан пул сўраш ёки бошқаларга пул жўнатиш имконига эга ва, асосийси, бу хизматни «Siri» овозли илова ёрдамида ишга тушириш мумкин.

2016 йил якунида Британиянинг «Monzo» необанки (собиқ «Mondo») «iPhone» телефонидан «Siri» ёрдамида овозли шаклда тўловларни амалга оширувчи хизматни жорий этган эди.



Илк банккоматнинг 50 йиллиги муносиб нишонланди

Буюк Британиянинг «NatWest» банки 31 июль куни ўзининг илк банкмати ишга тушган сананинг 50 йиллигини нишонлаш мақсадида тасодифий тарзда танланган мижозни 171 фунт стерлинг билан тақдирлади. Бу пул маблағлари 1967 йилда, яъни илк бора банкнинг банкмати ишлаган йилдаги 10 фунт стерлингга тенг маблағлардир.



Банкоматда ишлатиш учун бугунги кундаги карталар билан бир хил катталиқдаги карталар ишлаб чиқилган. Картада мижозни идентификация қилишга мўлжалланган перфорация ёзувлари бор эди. Агар ПИН-код тўғри киритилса, банккомат 10 фунт стерлинг миқдоридagi пулни берар эди. Ҳар сафар карта банккоматда қолар ва ўз эгасига почта хизмати орқали қайтариларди.

Илк банккомат ўрнатилганидан буён 6 мингдан ортиқ мижозлар банкка карта-точка сўраб мурожаат қилган. Илк ҳафтанинг якунидаёқ банк ўз буюрт-

масини 40 АТМга қадар кўпайтирган. 1970 йил март ойига қадар эса бутун мамлакат бўйича 220 та банккомат ўрнатилган эди.

Жорий йилнинг июнь ойида дунё бўйича илк банкмати ишга туширган банк ҳам банккоматнинг 50 йиллигини нишонлади. Илк автоматик касса машинаси 1967 йил 27 июнда «Barclays» банкининг Энфилд туманидаги филиали томонидан ўрнатилган. Мазкур сана муносабати билан Энфилддаги банккомат зарҳал рангга бўялиб, унинг атрофига қизил гиламлар тўшалди ва хотира тахтаси ўрнатилди.

Италия зарар кўришда давом этмоқда

«Европа Иттифоқи томонидан Россияга нисбатан қарийб уч йилдан буён қўлланилаётган иқтисодий жазо чоралари Италия кичик ва ўрта бизнесига сезиларли даражада зарар етказмоқда», – дейди Италия-Россия савдо палатаси президенти Розарио Алессандрелло. У Италия кўрган йўқотишлар ҳажми 11-12 млрд. евро ва 200 минг ишчи ўрнига тенг эканлигини маълум қилди.

«Масалан, энг кўп зиён кўрган тармоқлардан бири қишлоқ хўжалигидир. Италия бугунги кунда Россияга нисбатан санкцияларни қўллаши оқибатида Россия экспортидан келиб тушадиган 11 – 12 млрд. евродан ҳамда 200 минг ишчи ўрнидан маҳрум бўлди. Бу эса янги бозорга эҳтиёж сезаётган Италия учун катта йўқотишдир», – деди савдо палатаси раҳбари.

Унинг айтишича, Россияга қўлланилган жазо Европа компанияларига, айниқса, немис компанияларига зарар келтирмайди. «Бироқ энг аввало Италияга зиён келтирди», – деди эксперт.

Алессандреллонинг фикрига кўра, мазкур ҳолатни яхшилаш мақсадида Россия ва Европа ўртасидаги мулоқотни яхшилаш талаб этилади.

«Ва бундан Москвадан бошлаш керак. Ҳолбуки, иқлим шароитлари тўғрисида айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Россияда етиштирилмайди, шундай маҳсулотлар борки,

Россия уларни фақатгина Италиядан олиб кириши мумкин», – дея якунлади у ўз фикрини.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2014 йил 6 августда ушбу мамлакатга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллаган давлатлар, хусусан, АҚШ, ЕИ мамлакатлари, Канада, Австралия ва Норвегия сингари мамлакатлардан айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишни чекловчи қарорни имзолаган эди. Оқибатда мазкур давлатлардан гўш, қолбаса, балиқ ва денгиз маҳсулотлари, сабзавот, мева, сут маҳсулотларини Россияга олиб кириш тақиқланди. Фарб мамлакатлари қўллаётган жазо чоралари мuddати узайтирилиши Россиянинг жавоб чоралари мuddати узайишига сабаб бўлаверди.

Бугунги кунда 2018 йил якунига қадар хориждан маҳсулотларни олиб кириш тақиқланмоқда.

ЭЪЛОН

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди Фонд реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхатини эълон қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» акциядорлик тижорат банки.
3. «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки.
4. «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки.
5. «Агробанк» акциядорлик тижорат банки.
6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки.
7. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки.
9. Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».
11. «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки.
12. Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки.
13. «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки.
14. «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки.
15. «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки.
16. «Туркистон» хусусий акциядорлик тижорат банки.
17. «Давр банк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
18. Хусусий акциядорлик-тижорат банки «Универсалбанк».
19. «Ravnaq-bank» хусусий акциядорлик тижорат банки.
20. «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки.
21. «HI-TECH BANK» хусусий акциядорлик тижорат банки.
22. «Orient Finans» хусусий акциядорлик тижорат банки.
23. «Мадад Инвест Банк» хусусий акциядорлик тижорат банки.
24. «ҚДБ Банк Ўзбекистон» акциядорлик жамияти.
25. «Uzbekistan-Turkish Bank» акциядорлик жамияти.
26. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўба банки.

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юқорида номлари келтирилган банклардаги фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

«RC Cola» Ўзбекистон бозорида

Жорий йил 3 август кuni АҚШ элчихонаси томонидан мамлакатимиз ҳукумати билан биргаликда АҚШнинг «RC Cola» бренди Ўзбекистонга кириб келиши муносабати билан тadbир ўтказилди. Унда «RC Cola International»нинг маҳаллий ҳамкори бўлмиш «Family Group» вакиллари ҳам иштирок этди.

Маълумки, «RC Cola» АҚШда 1905 йили ташкил этилган бўлиб, ҳозирда ушбу компания ўз ичимликларини ишлаб чиқариш билан дунёдаги 55 та мамлакатда фаолият олиб бормоқда.

Тadbирда АҚШнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Памела

Спратлен сўзга чиқиб, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида АҚШ компаниялари фаолиятининг муваффақияти йўлида барча имкониятлар ва зарур шарт-шароитлар яратиб берилганини таъкидлаб ўтди. Шу боис АҚШ – Ўзбекистон ўртасида тижорий

йўналишдаги ҳамкорлик икки томон муносабатларида устувор аҳамият касб этгани ҳам бежиз эмас.

Тadbир сўнггида янги корxonанинг маҳсулот ишлаб чиқариш цехи расман очилиш маросими ҳам ташкил этилди.

Жасур МИРЗАЕВ.


ЎЗБЕКИНВЕСТ

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

«Ўзбекинвест»

8,86 млрд. сўмлик суғурта қопламасини тўлаб берди

Суғурта компаниялари томонидан суғурта ҳодисаси юз берганда даъволарнинг имкон қадар тез ва сифатли кўриб чиқилиши ҳамда суғурта қопламалари ўз вақтида тўлаб берилиши суғурта компанияларининг нуфузини оширишга хизмат кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.



«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бу борада кўрсатилган суғурта хизматлари сифатини ошириш, мижозлар талаб ва эҳтиёжларини пухта ўрганишга қаратилган тadbирларни амалга ошириш орқали суғурта қопламалари ўз вақтида тўланишини таъминлаб келмоқда. Суғурта шартномалари бўйича ўз мижозлари олдида қабул қилинган мажбуриятларни вақтида бажариш компаниянинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Агар рақамларга мурожаат қилсак, 2017 йилнинг I ярмида жами 5281 та суғурта даъволари кўриб чиқилиб, 8,86 млрд. сўм суғурта қопламалари тўлаб берилганини кўришимиз мумкин. Ушбу тўловларнинг 6,20 млрд. сўми юридик шахслар ва 2,66 млрд. сўми жисмоний шахслар улушига тўғри келди.

Шундай қилиб, ҳисобот даврида ҳар ойда ўртача 880 та суғурта даъволари кўриб чиқилди. Бунда асосан ипотека суғуртаси, транспорт воситаларининг ихтиёрий суғуртаси, мол-мулк суғуртаси, ихтиёрий тиббий суғурта, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномалари бўйича кўриб чиқилган ва улар юзасидан суғурта қопламалари тўлаб берилган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган суғурта қопламаларининг 54,4 фоизи

ёки 4,82 млрд. сўми мажбурий суғурта турларига, 45,6 фоизи ёки 4,04 млрд. сўми эса ихтиёрий суғурта турларига тўғри келган.

Таъкидлаш жоизки, компания томонидан аҳоли билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида «Ишонч телефонлари», туну кун ишловчи диспетчерлик хизмати фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, мижозларга суғурта масалалари юзасидан жумладан, суғурта шартномалари тузишда ва суғурта ҳодисалари бўйича зарур ҳужжатларни жамлашда доимий кўмак берувчи ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган. Мазкур ахборот-маслаҳат гуруҳлари компаниянинг Марказий аппарати ва ҳудудий филиалларида ўз фаолиятини юритмоқда.

Ахборот-маслаҳат гуруҳлари томонидан суғурта даъволарини кўриб чиқиш қоидалари ва суғурта толовини тўлаш тартиблари юзасидан тушунтиришлар берилиши ҳамда талаб этилаётган ҳужжатларни жамлаш ва уларнинг тезкорлик билан кўриб чиқилиши бўйича олиб бораётган ишлари мижозлар учун кўмак бўлмоқда. Булар эса мижозларнинг компанияга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекинвест» ЭИМСК
Ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Кўлвзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кuni чиқади.

Буюртма № 1085.

Адади 4831 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табақда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 9.08.2017 й., 9.00.